

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
MILLIY FAHRIYLIK PALATASI  
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON

## OVYOZI IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2005-YIL • 10-FEVRAL • PAYSANBA • 17 (27.352) • uzbevozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.



### БУЮК НАВОЙИГА ЭХТИРОМ

Халқимизнинг миллий ғурури ва ифтихориغا айланган Алишер Навоийнинг бой маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб қилишдек хайрли ишлар мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг доимий эътиборида. Истиклолимизнинг дастлабки йилларида Ватанимиздаги улкан бунёдкорлик ишлари пойтахтимиздаги буюк бобомиз номи билан аталувчи миллий боғнинг барпо этилишидан бошланганида ҳам катта рамзий маъно бор.

9 февраль куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий боғи ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Эрталаб бу ерга адиблар, талаба-ёшлар, шаҳар жамоатчилиги, пойтахтимиз меҳмонлари, халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари ташриф буюрдилар. Улар улуг мутафаккирнинг маҳобатли ҳайкали пойига анвоий гуллар қўйдилар.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Ўзбекистон Республикаси Президентининг асосий маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб қилиш бўлими раиси А.Орипов Алишер Навоий номи элимиз асрлар оша қалб гавҳари янглиг асраб-авайлаб келаётганини таъкидлади. Мустақиллик йилларида буюк бобомизнинг бой маънавий меросини ўрганишдек хайрли ишга давлат даражасида аҳамият берилмоқда. Жумладан, улуг алломанинг асарлари жамланган йиғирма жилди тўплам тўлиқ нашрдан чиқиб, китобхоналар қўлга етиб боргани бунинг яқол далилидир.

Бугунги кунда беназир шоир ижодий меросига эътибор нафақат мамлакатимизда, балки жаҳон миқёсида ҳам тобора ортиб бораётир. Алишер Навоий асарлари турли тилларда нашр этилаётгани, Япония, Россия каби давлатларнинг пойтахтида буюк бобомизнинг ҳайкали қад ростлагани шундан далolatдир.

Маросимда навоийшунос олим, академик А.Қайюмов, Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Ю.Кузумото, Ўзбекистон халқ шоири А.Файнберг ва бошқалар шоирнинг ўлмас ижодий мероси асрлар оша одамларни эзгуликка чорлаб келаётганини қайд этдилар. Навоий шеърларидан намуналар янгради.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Бош вазир ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

Шу куни пойтахтимиздаги «Шоирлар хибони», Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи, кутубхоналар ва маданият саройларида Навоийхонлик кеналари, илмий анжуманлар, мушоиралар бўлиб ўтди.

Алишер Навоий ижодиға бағишланган илмий, маърифий-бадиий тадбирлар бутун мамлакатимиз бўйлаб давом этмоқда!

Н.УСМОНОВА,  
ЎЗА мухбири

### ИЗЛАГАН ИМКОН ТОПАР

Машинасозлик заводи — Навоий тоғ-кон саноатининг таянч нуқтаси. 3,5 минг нафардан зиёд кон ишчилари, саноатчилари, муҳандис мутахассислари меҳнат қилаётган корхона нафақат Ўзбекистонда, қолаверса, Хамдустлик мамлакатларида ҳам ягона. Ер ости ва ер усти қазилма бойликларини ўзлаштиришда, кон-бурғиллаш, тоғ жинсларини майдалаш, маддан саралаш ишларида асқотувчи жаҳон стандартлариға мос энг илгор технология ва асбоб-ускуналар шу ерда тайёрланади.

Бугина эмас. Эндilikда навоийлик машинасозлар энг оғир станоксозлик саноати, токарлик дастохлари тайёрлаш тизими-ни ҳам мукамал эгаллаб олишди. Бир пайтлар Россия, Белоруссия, Украинадан катта-катта харажат эвазига сотиб олинган «3-Н-340» типидаги қирқкиш ва сайқаллаш, «21-Н-16» русумли юқори босимли фрезерлаш, «НФ-630» маркадаги токарлик ёхуд «СДУ-1» дурадгорлик дастохлари ҳам бугун Навоийда ишлаб чиқарилаётти.

— Нафақат станоксозлик, — дейди завод бош директори Николай Локкай. — Хатто Украинада ишлаб чиқарилаётган ёнғинга қарши замонавий техника воситаларини ҳам ўзимизда йиғиштириб олдик. «Излаган имкон, топади», дегани шу бўлса керак-да.

Музаффар ШАРОПОВ

### АЖДОДЛАР АБАДИЯТИ



Самарқанд шахридаги Марказий истироҳат боғи замон талаблари даражасида, миллийликка хос услубда чирой очмоқда. Боғ марказида шеърийат мулканинг султони Мир Алишер Навоийнинг мухташам ҳайкали ўрнатилди ва эндilikда бу маскан улуг шоирнинг номи билан атала бошланди

Рўйи замин сайқали, қадим аجدодлардан мерос бебаҳо маданий ёдгорликларни ўз бағрида жот этган Самарқанд-да кейинги йилларда улкан аҳамиятга эга бўлган бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бири-бирдан замонавий иншоотлар қурилиб, тарихий обидалар атрофида кенг миқёсда ободонлаштириш ишлари олиб борилаётгани — бу қадим шаҳарнинг кўркям қиёфасига янада улугворлик бахш этмоқда.

Ўтган йили шаҳарга ташриф буюрган Президентимиз бу ерда амалга оширилаётган ишлар билан танишиб, шаҳар марказидаги маданият ва истироҳат боғининг халқаро андозаларга жавоб бермаслиги, уни замон талаблари даражасида тўлиқ реконструкция қилиш лозимлиги ҳақида муҳим тавсиялар берган эдилар. Бугунга келиб Юртбошимизнинг кўрсатмалари асосида боғ қайтадан таъмирланди.

Шу билан бирга унга халқимизнинг буюк шоири Алишер Навоий номи берилиши барчанинг кўнглидаги иш бўлди. Боғ марказиға Навоий бобомиз ҳайкали ўрнатилди.

Куни кеча улуг шоир тавалудининг 564 йиллиги муносабати билан ушбу ҳайкалнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокими М.Нурмуродов, фан, маданият арбоблари, адабиётшунос олимлар, ёзувчи-шоирлар ҳамда кенг жамоатчилиги иштирок этди.

Тадбирни Самарқанд давлат университетининг ректори Темур Широини кириш сўзи билан очди. Академик Ботирхон Валихўжаев, СамДЧТИ профессори Иноятулла Сувоиқуловлар сўзга чиқиб, шоирнинг ҳаёти, авлодларға қолдирган бебаҳо адабий мероси ҳақида гапирди. Шундан сўнг талаба-ёшлар томонидан шоир ижодидан намуналар ўқилди. Биз иштирокчиларнинг айримларини сўхбатга тортидик.

**Дилором САЛОҲИЙ,**  
филология фанлари доктори:

— Улуг бобоқалонимиз Алишер Навоий Шарқ уйғониб даврида юзага келган илгор иктимоий-фалсафий ва бадий тафаккур мўъжизаларини ўз асарларида бой фалсафий мазмун, гўзал бадий нафосат уйғунлигида акс эттирган. Шу боисдан ҳам шоир ижоди ҳар қандай миллий, ирқий, диний, мафқуравий ҳудудлардан ўтиб, бутун инсониятнинг маънавий мулкига айлиб бормоқда.

Ҳазрат Навоий ижодининг оламшумул аҳамиятини таъминловчи асосий омиллардан яна бири, унинг ислом маънавий ҳазинасидан баҳрамандлиги, тасаввуф таълим-тини чуқур берилиши бағрида бўлиб ўтди.

Бир сўз билан айтганда, Навоий ижоди, у яратган образлар асрлар оша авлодлар қалбига зиё бағишлаб келмоқда. Бугун Самарқандимизда шоирға кўрсатиладиган юксак эҳтиром — унинг ҳайкали ўрнатилиши ва катта кўчалардан бирининг Навоий номи билан аталиши буюк бобомизға ҳур-мат ва содиқликнинг намунаси.

**Шухрат ДАВРОНОВ,**  
вилоят бош меъмори:  
— Сўнгги йилларда Самарқанд шахрида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларида буюк аждодларимиз хотирасини улуғлашға алоҳида

аҳамият берилмоқда. Шаҳарнинг марказий майдонларидан бирида Навоийнинг ўз устози Абдурахмон Жомий билан сўхбат қуриб турган ҳолати акс этган ҳайкал ўрнатилган. Шунингдек, Марказий истироҳат боғи замонавий тарзда қайта таъмир қилиниб, у ерга файзбахш фавворалар ўрнатилди. Оғирлиги 6 тоннадан зиёд бўлган ҳайкални самарқандлик ҳайкалтарош Аҳмадхон Шоймуродов юксак дид билан яратган. Бронзадан асалган кўркям ва нафис санъат асарига Навоий бобомизнинг марғур сиймоси гавдаланади. Ҳайкал атрофи гулу гулзорлар, замонавий фавворалар билан безатилган.

**Назмия МУҲИДДИНОВА,**  
СамДУ талабаси,  
Навоий номидаги Давлат стипендияси соврндори:

— Ўзим университетнинг ўзбек филологияси факультетида таҳсил олаётганлигим боис, Навоий ижоди билан яқинроқ танишман. Ул зот номидаги стипендия соҳибии бўлганлигимдан ва Алишер Навоий номи университетда ўқиётганимдан фахрланаман. Шоир ижодини чуқур ва пухта ўрганишимизда устозларимизнинг ҳиссалари жуда катта бўлмоқда. Навоий миллиятимиз учун ҳаммаша улугворлик, донишмандлик, эзгулик тимсоли бўлиб қолаверади. Бир сўз билан айтганда, шоир ижоди халқимиз учун бебаҳо маданий меросдир...

**Шухрат ҚАРШИЕВ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: ҳайкалнинг очилиш маросимидан лавҳалар.

**TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI**  
MULKDORGA HANMOKI!  
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Fax: 133-20-74  
WWW.tshbm.uz E-mail: info@tshbm.uz

O'zbekiston havo yo'li  
**TOSHKENT**  
XALQARO AEROPORTI  
Хизматлар лицензияланган

### ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси марказий кенгаши раёсатининг йиғилиши бўлиб ўтди. Марказий кенгаш раиси Э.Боқибоев бошқарган йиғилишда алоқадор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, жамғарманинг вилоят ва шаҳар бўлиmlари раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида қўйилган вазифаларнинг ижросини таъминлаш ҳамда жамғарма фаолиятининг 2004 йилдаги яқунларига оид масалалар муҳокама қилинди.

2004 йилда жамғарма ва унинг жойлардаги бўлиmlари томонидан қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Жумладан, «Меҳр ва муруват йили» дас-турида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар, ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилаларға кўрсатилаётган ижтимоий ёрдам янада кучайтирилди. Соғлиқни сақлаш ҳамда Меҳнат ва аҳolini ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда 1 миллион 665 минг нафардан зиёд пенсионер, 535 мингдан ортиқ катта ёшдаги ногирон диспансер кўриги-

дан ўтказилди. Мамлакатимизнинг турли минтақаларидан келган беш юз нафардан зиёд уруш ва меҳнат фахрийси Тошкентдаги «Нуронийлар» шифохонасида даволанди. Дастурда белгиланган тадбирлар ижросини таъминлаш учун 337,5 миллион сўм маблағ сарфланди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг ташаббуси билан қабул қилинган «Сихат-саломатлик йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлашға қаратилган вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари — Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг раиси С.Иномова қатнашти.

Т.БОТИРБЕКОВ,  
ЎЗА мухбири

### БУЮК БРИТАНИЯДА ЎЗБЕК КУРАШИ

Ўзбек кураши қисқа фурсатда дунё халқларининг сеvimли спорт турига айланганлигини турли мамлакатларда ўтаётган мусобақалар кўрсатиб турибди. Куни кеча олинган мана бу хабар ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Йилнинг энг нуфузли мусобақаларидан бири — Ислам Каримов халқаро турнири Буюк Британияда ниҳоясига етди, дея хабар қилади Халқаро кураш ассоциацияси матбуот хизмати.

Кези келганда айтиш керакки, ўтган йилларда Буюк Британияда кураш ривож толиб, кураш клублари сони ортди. Ушбу мусобақада 10 дан ортиқ давлатнинг юздан зиёд полвонлари голиблик учун гиламға чиқдилар. Беллашуви кичик ёшдаги полвонлар бошлаб беришди.

Катталар ўртасидаги мусобақада ўз вазн тоифаларида Жек Веб (66 кг.), Темур Эшқурбонов (73 кг.), Зариф Бозоров (81 кг.), Жон Кларк (90 кг.), Шокир Туроев (100 кг.), Крис Лонгман (+100 кг.)лар голиб бўлдилар.

Ушбу йирик турнир қутилганидан ҳам юқори савияда ташкиллаштирилгани билан мусобақа катнашчилари ва меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

### ҚОРОВУЛБОЗОРНИНГ НОЁБ ЙОДИ...

Маълумки, йод танқислиги туфайли мамлакатимизнинг шимолий ҳудудидида яшовчи аҳоли турли касалликлардан азият чекмоқда. Бунинг устиға мамлакат озиқ-овқат саноатининг йодға бўлган эҳтиёжи кун сайин ошиб бормоқда. Ҳўш, бу муаммони ҳал этиб бўладими? Фарбий Ўзбекистон гидрогеология экспедициясидагилар бу саволға жавоб топдилар. Қоровулбозор туманидаги Қўриқнефть қони ҳудудидида чуқур ер ости сувларидан йод моддасини ажратиб олиш мумкин экан. Фақат туманда йод ажратиб оладиган завод қурилса, бас — муаммо ўз ечимини топади.

Шуни таъкидлаш керакки, корхонани тиклаш ва ишлаш учун хориж технологиясига эҳтиёж сезилмайди. «Геобуртехника» ҳиссадорлик жамияти йод ажратиб олувчи ускуналар таъриба нухсасини аллақачон йиғиб улгурган. Шу йилнинг ўрталариға бориб корхона махсулот бера бошлайди. Му-тахассислар таҳминини кўра, завод йилға икки тонна йод моддаси ишлаб чиқара олади.

Даврон БАХРОНОВ

### Журналистлар диққатига!

### «СИҲАТ-САЛОМАТЛИК» ТАНЛОВИ

Бутун аҳоли сифатли ичимлик суви ва мукамал канализация тизими билан таъминланган мағани, йирик шаҳарлар ва саноат марказларида атмосфера ҳавосининг ифлосланиши, тупроқ таркибидаги ўзгаришлар, саноат ва маиший чиқиндиларнинг тўпланиб қолиши, уларни қайта ишлаш ва йўқотиш шароитларининг йўқлиги дунёда атроф-муҳит муҳофазаси соҳасида асосий муаммо бўлиб турибди. Экология ва санитария-гигиена маданиятининг юқори даражада эмаллиги ҳам юқумли ва бошқа касалликлар тарқалишиға, инсонлар, умуман жамият ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ушбу муаммоларни бартараф этишда оммавий ахборот воситаларининг роли беқиёсдир.

«ЭКОСАН» Халқаро ташкилоти республика Вазирлар Маҳкамасининг «Сихат-саломатлик

Танловда давлат ва нодавлат ахборот агентликлари, радио, телевидение, республика, вилоят, шаҳар ҳамда туман газеталари ва журналларида фаолият юритиётган журналистлари иштирок этадилар.

2005 йил 1 февралдан 20 ноябргача бўлган даврда эфирға узатиладиган ёки чоп этиладиган радио ва телерапортлаш, янгиликлар, лавҳалар, газета ёки журналлардаги, электрон ОАВдаги мақолалар, чиқишлар, журналистик суриштирувлар, фото лавҳалар, ижтимоий маърузади роликлар танловға тақдим этилади.

Танлов 2005 йил 1 декабрда якулланади. Фолиблар ташкилотларнинг диплом ва соғирлари, шунингдек, хомийларнинг махсус соғирлари билан тақдирланадилар.

Бардамбек САЪДУЛЛАЕВ

### Қулай, арзон ва афзал

### OXYGEN NETWORKS

ШАҲАРЛАРАРО ВА ХАЛҚАРО АЛОҚА СЎЗЛАШУВИДА МАБЛАФНИ ТЕЖАЙДИ



Шаҳарлараро ва халқаро алоқа кўпчилике учун доимий эҳтиёж ҳисобланади, тармоққа уланishi учун белгиланган тарифлар эса шу пайтга қадар юқори бўлиб келган. 2004 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси аҳолиси учун бу борада муқобиллик вужудға келди. Бозор шароитида Oxygen Networks бренди пайдо бўлиши билан бу борада ер юзининг барча нуқтасиға кўнгиноқ қилиш нафақат оқшолади, балки моддий томондан тежамкорлик имкони ҳам туғилди.

Oxygen Networks мамлакатимизда фаолият юритаётганиға эндигина бир йил бўлди. Шунга қарамай, катта отуқларға эришти, салмоқли ҳажмида қатор акциялар амалға оширди, доимий мижозлар тармоғини вужудға келтирди ва энг муҳими, Ўзбекистоннинг барча аҳолиси бемалол фойдалана олишлари учун катта қўлайликлар яратди.

Oxygen Networks сиёсатининг эътиборли жиҳати шун-

3-БЕТ

**ALQABANK** —  
аниқ, тез, ишончи!  
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Fax: 152-78-04  
WWW.alqabank.uz E-mail: info@alqabank.uz

ОАВни жамият чироги, дейишди. У канчалик ёруғ ёнса, ёркин нур сочса атроф чарогон бўлиб, теварақдаги янгиликлар, бунёдкорлик ишлари ҳамда жамиятдаги доғли нуқталар кўринадди. Бу матбуот ва ОАВ пайдо бўлиши билан юзга келган қонуниятдир. Қайси мамлакатда унга катта эътибор берилса, моҳияти чуқурроқ анланса, матбуот кудратли кучга айланиб, тараққиёт, демократия ва адолатга, миллат манфаатига хизмат қилади.

Бундан яқин ўтмиш ва бугунги кунимиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Собиқ шўро давридаги ОАВ билан бугунги матбуот ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Шўро ҳукумати матбуотни ўз қўлида қаттиқ жилловлаб, муштабид мафқуранинг қаҳқон хизматкорига айлантирган эди.

Мамлакатимиз миллий Муштабидликни кўлга киритганидан сўнг ОАВга нисбатан қарашлар, муносабатлар тубдан ўзгарди. Ўзбекистон журналистикаси соҳасида катта ўзгаришлар, янгиликлар юз берди. Муштабид нашрлар, ҳушсурий теле ва радиоканаллар пайдо бўлди. Электрон оммавий ахборот воситалари асоцияси, мамлакат журналистларининг ижодий уюшмаси тўлиқланди... Лекин тан олишимиз керак, юртимиздаги ОАВ фаолиятдан жамоатчиликнинг кўнгли тўлаётгани йўқ.

Президент Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақирғи IX сессиясида сўзлаган нутқида шундай деди:

«...мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари узок вақтлар давомда мафқуравий ва маъмурий назорат остида ишлагани туфайли уларнинг ҳали-бири бу ҳолатдан чиқиси, аввало, психологик жиҳатдан ўзини эркин ҳис этиши қийин кечмокда.

Уйлайманки, ҳақиқий демократик матбуот кўрсатма асосида яшай олмайди ва

ва адолат, демократиянинг ҳақиқий жарчисига айланишидан жамият ҳам, давлат ҳам бирдек манфаат кўради.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида қилган маърузасида ҳам ОАВ масаласига яна бир бор алоҳида тўхталиди.

Жумладан, у шундай дейди: «Халқимиз оммавий ах-

борот воситаларидан мамлакатимиз ва хорижда содир бўлаётган воқеалар тўғрисида ҳолис ва тезкор ахборотлар олишни, шу билан бирга, биринчи навбатда, ҳокимият органлари ва бошқарув тизимлари фаолияти ҳақидаги танқидий фикрларни, изоҳотлар ва янгиликлар йўлидан илгари боришимизга тўсик бўлиб турган нуқсонлар, ҳаёдаги долзарб муаммолар хусусида ошқор, профессионал тахлил материаллари кутати».

Дарҳақиқат, халқимиз оммавий ахборот воситаларига ишонади. Уларни ўзларига яқин маслаҳатчи, содиқ ҳамкор ва дўст деб билади. Бир оддий мисол: Баъзан одам

Муносабат

лар орасида турли миш-миш, ҳар хил гаплар тарқалганда кўпчилик «Бу гап ёлгон бўлса керак, бу ҳақда ОАВда ҳеч нарсა дейилмапти-ку» деб фикр билдиради. Демак, аён бўлаётгани, одамлар жамиятда юз бераётган ҳар қандай катта-кичик воқеа-ҳодисалар тўғрисида матбуотдан хабар,

лангирмасдан туриб, демократияни чуқурлаштириш ва аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакат сиёсий ва иқтисодий ҳаётидаги амалий иштироки тўғрисида сўз юритиб бўлмайдиган, деган тушунча жамоатчилигимиз ўртасида торабора кучайиб ва муштабидликни бормоқда.

Қаранг, ОАВ зиммасида, журналистлар зиммасида нақадар масъулиятли, шарофли, буюк вазифалар турибди. Юртбошимиз ОАВни қўллаб-қувватлаб, уларга катта ишонч билдириб келмоқда. Мамлакатимиз раҳбари қўшма йиғилишидаги ўз маърузасида ОАВ, айниқса, матбуот соҳасидаги оғрик, дарди бир муаммо — оммавий ахборот воситаларининг иқтисодий эркинликларини таъминлаш борасида ҳам ўз мулоҳазаларини билдирди.

Уйлаб кўрилса, журналистлар учун янада улкан имкониятлар очилаётгани маълум бўлади. Ва шу ўринда қатор саволлар туғилади: ҳўш, биз ўзимиздан нимани талаб қилмоғимиз, қандай ишламоғимиз керак бўлади? Бошқача айтганда, ҳаёт билан, замон билан баб-баравар қадам ташлаш, бир қадам олдин юриш учун нима қилмоғимиз керак? Менимча, бу саволларга ҳар ким ўзи жавоб излаши керак.

Бехўд ШУКУРОВ, Ўзбекистон Миллий университети журналистика факультети магистри

ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

яшати ҳам мумкин эмас. Эркин матбуот реал вазият шaroитида фаолият кўрсатиши, иқтисодий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг долзарб муаммоларини дадил кўтариб чиқиси, одамларни беэроз қилаётган барча масалаларни жамоатчилик эътиборига ҳавола этиши, ҳокимият ва бошқарув тузилмаларининг қабул қилаётган қарорлари ва фаолиятига танқидий, шу билан бирга, ҳолис баҳо бериб бориши керак».

Юртбошимизнинг 13 йил давомида ОАВ тўғрисида билдирган барча фикрларидан бир ҳулоса келиб чиқади: оммавий ахборот воситаларининг том маънода тўртинчи ҳокимият макomini эгаллаши

изоҳ, шарҳ кутади. Бу жамиятнинг ахборотга бўлган эътибодидир. Ўз-ўзинда табиий бир савол туғилади: бугунги журналистиками, оммавий ахборот воситалари бу эътибон қанчалик даражада қандаи олапти? Нега баъзи фуқароларда «матбуотда ҳамма гапни ҳам очик-ойдин гапириб бўлмайди», деган фикрлар юради? Мамлакатимиз раҳбари ахборот эркинликларини борасида ҳам фикрларини билдирди:

«Айни пайтда шуни ҳам қайт эттиш зарури, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва гояларини, содир бўлаётган воқеаларга муносабатини эркин ифода этадиган минбарга ай-

Принципиал муҳим устувор вазифалардан бири — солиқ сиёсатини янада такомиллаштиришдир... Солиқ тўловчи нима учун ва қанча солиқ тўлаши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмоғи даркор...  
... Молия ва Иқтисодий вазирликларни, Давлат солиқ қўмитаси, Адилия вазирлиги, Савдо-саноат палатасини жалб қилган ҳолда, амалдаги солиқ қонунчилигини танқидий нуқта-назордан таҳлил қилиб... янги таҳрирдаги Солиқ кодексини тайёрлашлари ва тасдиқлаш учун киритишлари зарур.

Ислам КАРИМОВ (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан)

Таклиф, мулоҳаза, мушоҳада

СОЛИҚ: КОДЕКСДА ҚАНДАЙ ТАМОЙИЛЛАР БЎЛГАНИ МАЪҚУЛ?

ва мамлакат Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари бўлажак ҳужжатларни тайёрлаш жараёнида уларни инobatта олсалар...

Қатор ривожланаётган ва ривожланган мамлакатларнинг солиқ қонунчилигида солиқ наъзариёси ва амалиётдан келиб чиқиб, муҳим мезонлар ҳаётга татбиқ этилган.  
Хусусан, бу мамлакатлар умумтан ва ҳозирги замон иқтисодчи олимлари Адам Смит, Артур Лаффе, Либерман ва неми профессорси Йохим Лангнинг солиққа тортиш ҳақидаги қарашларидан фойдаланганлар. Кўп давлатлар бу мезонларни ўзларининг Солиқ Кодексига киритганлар. Жумладан, мажбурийлик, иқтисодий адолат, бетарафлик, оддийлик, бюджет самарадорлиги ва бошқалар.

Мажбурийлик мезони бўйича давлат паноҳида тadbиркорлик ва эркин меҳнат қилаётган шахслар давлат бюджетига ва бошқа жамағараларга солиқлар ва тўловларни тўлашга мажбур. Чунки давлат жамиятдаги барча кишилар учун яшаш, тadbиркорлик юритиш, меҳнат қилиш кафолатларини бermoқда ва зарур шaroитлар яратмоқда. Бозор иқтисодиёти шaroитида давлатнинг бу хизматлари учун ҳақ тўлаш ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Бетарафлик, оддийлик, бюджет самарадорлиги ва бошқалар. Мажбурийлик мезони бўйича давлат паноҳида тadbиркорлик ва эркин меҳнат қилаётган шахслар давлат бюджетига ва бошқа жамағараларга солиқлар ва тўловларни тўлашга мажбур. Чунки давлат жамиятдаги барча кишилар учун яшаш, тadbиркорлик юритиш, меҳнат қилиш кафолатларини бermoқда ва зарур шaroитлар яратмоқда. Бозор иқтисодиёти шaroитида давлатнинг бу хизматлари учун ҳақ тўлаш ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Дунё мамлакатларида бўлгани каби, Ўзбекистонда ҳам юридик шахсларнинг даромади (фойда) солиғи ва жисмоний шахсларнинг даромади солиғи ҳамда ҚҚС ва акцизлар (алоҳида товарларга) асосий солиқлар бўлиши лозим. Эеро, оддийлик талаби иқтисодий меҳнатни ва харажатларни тежайди.

Ижтимоий адолат. Солиқ ҳажми белгиланганда икки хил адолат: сатхий (горизонтал) ва тик (вертикал) адолат бўлишига эътибор қаратиш лозим. Бунинг маъноси — сатхий адолатда ҳамма бир хил даромад олувчилар учун бир хил ҳажмлар белгиланади. Аммо, тик адолат мезони йўли билан кўп даромад олувчиларга нисбатан баландроқ фoизлар ўрнатилади. Солиқ тилида бунинг адолати прогрессив-регрессив фoизлар дейилади. Тушунарли қилиб айтсак, «кам даромаддан кам солиқ, кўп даромаддан кўп солиқ» олиш лозим. Агар республикада иқтисодий ўсишни янада жаддаллаштириш кўзда тутилса, регрессив фoизлар қўлланиши мумкин.

Муҳим мезонлардан яна бири бетарафлик (нейтрал)дир. Унинг маъноси — иқтисодий равангаи ва халқ фаровонлиги йўлида бир томондан давлат манфаатлари, иккинчи томондан солиқ тўловчилар манфаати эътиборга олинishi керак. Чунки иқтисодий манфаатлар орқали ривожланади. Бу тамойилни амалга оширишда Амир Темур «Тузуқлари», Адам Смитнинг «Миллатлар бойлиги» ва бошқа иқтисодий асарларида таъкидлангандек, солиқ тўловчиларнинг солиқ тўлай олиш қобилияти ҳисобга олинishi керак.

Бугунги кунда Қашани қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида 800 нафарга яқин ўғил-қиз агрономия, фермер хўжалигини ташкил этиш, ҳуқуқшунослик, қишлоқ хўжалиги машиналаридан фойдаланиш ва техник хизмат кўрсатиш, ҳуқуқий хўжалик фаолияти, молия, банк иши, тиквечилик мутахассисликлари бўйича тахсил олмоқдалар. Коллежда иккита компютер, лингафон, кимё, физика, биология, астрономия хоналари замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган.

Баркамол авлод орзуси



— Коллежимизда «Сиз Ўзбекистон тарихини биласизми?» деб номланган заковат интеллектуал ўйин ташкил этилган, — дейди маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Гулнара Ибрагимова. — Ҳар жума кунини «Авесто», «Этнограф», «Археолог», «Турон» гуруҳлари ўртасида юртимиз тарихига оид мавзуларда ўзаро баҳо ва мунозаралар ўтказилади. Бу эса талабаларнинг билимлари янада чуқурлашишига хизмат қилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, коллеж ўқитувчиларидан Аҳад Эшматов ва Дилмурод Тошмуродовлар Германияда ўз малакаларини ошириб, тақриба алмашиб қайтдилар.

Суратларда: коллеж ҳаётидан лавҳалар. Абдурауф ПАРДА олган суратлар



Таклиф этилаётган юридик шахсларнинг даромади (фойда) солиғи фoизлари

	Чегирмалар		Солиққа тортилмайдиган даромад			
	Солиқ солинмайдиган минимум	Бошқа чегирмалар (имтиёзлар)	13%	15%	20%	15%
Жами йиллик даромад	0-600		0-1200	1201-2400	2401-4800	4801 ва ортиғи

Таклиф этилаётган жисмоний шахслар даромади солиғи ставкалари

	Чегирмалар		Солиққа тортилмайдиган даромад			
	Солиқ солинмайдиган минимум	Бошқа чегирмалар (имтиёзлар)	13%	15%	20%	15%
Жами йиллик даромад	0-120		0-600	601-1200	1201-2400	2401 ва ортиғи

Таклиф этилаётган бу фoизлар хўжалик субъектлари ва жисмоний шахсларни эркин фаолият кўрсатиб, солиқлар вақтида тўланишига имкон яратди ва охиrqибатда иқтисодий ривожланишни жаддаллаштиришга замин ҳозирлайди.

ФИРИШКЕНТНИНГ СПОРТ КОШОНАСИ

— Ҳавас қўлса арзигулик қoшонанинг бунёд этилишига бизга Халқ таълими вазирлиги қришидаги Болалар спортини ривожлантириш жамағармаси ва унинг вилоятдаги филиали моддий жиҳатдан маддадор бўлди. — дейди хўжалик бошқаруви раиси Абдуқодир Ҳасанов. — Мазкур жамағарманинг 177 миллион сўмга тумандошларимиз 100 миллион сўм хомашлик ёрдамини қўшдилар. Натияжада икки қаватли шанама мажмуа тикланди.

Дарвоқе, бу ердан спорт ва бадиий гимнастика заллари, стол тенниси, шохмат-шаҳса, ювенил-ийиниш хонаси, мураббийлар, тиббиёт ҳодимлари учун ҳам кабинетлар жой олган. Иншоотнинг ташқарисиде эса катта стадион мавжуд. Бу ерда ҳар кунининг нафардан зиёд ёшлар спортнинг 10 тури билан шуғулланаётёр.

ЎЗБЕКИСТОН МАКТАБЛАРИДА РУС ТИЛИ

Тошкентдаги «Пойтахт» меҳмонхонасида «Ўзбекистон мактабларида рус тили» мавзусида икки кунлик семинар бўлиб ўтди. Ушбу семинар Халқ таълими вазирлиги ҳамда Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ўтказилди. Унда 100 дан ортқ иқтидорли, тажрибали, фаол рус тили фани ўқитувчилари иштирок этди. Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Факултетида ва мухтор элчиси Фарит Муҳамедовнинг кўрсатилиши билан таълим соҳасида яқиндан ҳамкорлик қилинаётганини таъкидлаб, ушбу семинар маъzur алоқаларнинг бир йўналиши эканлигини айтди. Бугунги кунда Халқ таълими вазирлиги тасаруруфида 9727 та умумтаълим мактаблари мавжуд бўлиб, улардан 756 тасида таълим рус тилида олиб бoриладиган синфлар мавжуд.

Шулардан бири юзи қирқтасида таълим фақат рус тилида олиб бoрилади. Бу мактабларда 350 минг нафарга яқин ўқувчи тахсил олади. Республикаимиз мактабларининг барча синфларида рус тили ўқитилади. 9-11 синф битирувчилари ушбу фандан битирув имтиҳонлари топширишади.

Хозирги кунда таълим рус тилида олиб бoриладиган мактабларни дарсликлар билан таъминланиш даражаси 82% ни ташкил этмоқда. Семинарнинг иккинчи куниде унинг иштирокчилари Тошкент шаҳридаги 50-, 17-, 60-мактабларда ўз иш тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

Семинар ишида халқ таълими вазири ўринбосари Усмoнали Музаев қатнашди.

Шерзод АХМАТОВ, Халқ таълими вазирлигининг Матбуот маркази ходими

Қонун ва шахс

ҲУҚУҚ МУҲОФАЗАСИ ВА НОТАРИУС

Судларда кўрилиши анча камаяди. Суд амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни расмийлаштиришда баъзи камчиликларга йўл қўйилаётёр. Масалан, Давлатбек Орзикуловлар билан Норинс Орзикуловлар 2001 йил 3 декабрь кунин Алжон Бойназаров ва Лутфи Бойназаровдан Ховос тумани «Фарҳод-5» қўрғонидеги Растабуров кўчасида жойлашган 4/3 ва 4/4 уйлардан бири-ни 700.000 сўмга, иккинчисини 500 000 сўмга сотиб олишади. Олди-сотди шартномаси Ховос туман нотариал идораси давлат

билан қараганлиги маълум бўлди. Унинг ҳаракатлариға ҳуқуқий баҳо берилади. Юқориде қайт этилган бир мисолдан кўриш мумкинки, нотариусларнинг биргина хаттоси фуқароларнинг алданиши, овора-сарсонгарчилигиға, моддий ва ўлчаб бўлмас маънавий зарарлар келтирилишиға сабаб бўлишини кўрсатади. Бундан битта фикр келиб чиқади: нотариусларимиз нотариал ҳаракатларни амалға оширишда қонун ва меъёрий ҳужжатларда белгиланб қўйилган тартиб-қоидалар четта чиқмаслиги талаб этилади. Ҳамкорларимизға эса ўзларининг мулк ва мерос ҳуқуқларини ўз вақтида нотариал идораларига мурожаат этиб расмийлаштиришларини тавсия қиламиз. Негаки, битимлар нотариал тартибда тасдиқланиши ҳуқуқларини бузилишининг олдини олади.

Алжон ОРТИҚОВ, фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилоят судининг судьяси



